



ISHOLOCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 26 апрел, шанба № 66 (1491)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ЎН БИРИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

25 апрел куни Тошкентда иккинчи чақириб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси ўзининг давом эттирди. Парламент сессияси ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди. Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди.

Парламент сессиясининг иккинчи куни «Банк сири тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини қўриб чиқишдан бошланди. Уни депутатлар эътиборига Олий Мажлис-

тўғрисида қарор қабул қилди. Олий Мажлисининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш

раҳбари Ислам Каримов Афғонистондаги Алишер Навоий ва ўзбек халқининг бошқа буюк арбоблари қабрлари аҳоли масаласини кўтарди. Албатта, бу масалани, энг аввало, Афғонистоннинг ҳозирги ҳукумати билан музокара-лар олиб бориш орқали ҳал қилиш керак, ammo жамоат фондлари ҳам четда турмаслиги даркор. Биз ушбу масала юзасидан жамоатчилик фикрини шакллантиришимиз, уни қўриб чиқиш ташаббуси қўйдан, аҳолининг кенг қатламларидан чиқишига эри-шишимиз зарур. Сессия қат-нашчилари давлатимиз раҳ-барининг таклифини қизғин қўллаб-қувватлади. Парламент қонун лойиҳа-сини биринчи ўқишда маъ-қуллади ва умумхалқ муҳо-камаси учун оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қил-ди. «Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини депутатлар-га Олий Мажлисининг Мудо-фаа ва хавфсизлик масала-лари кўмитаси раиси А.Турсунов тақдим этди. Қонун лойиҳаси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов сўзга чикди. Президент хар-бий хизматни тартибга сола-диган янги қонунчилик мил-

лий армия ва мамлакат му-дофаа кудратини янада му-стаҳкамлашда улкан аҳамият-га эга эканини таъкидлади. Биз шундай ҳуқуқий шароит яратишга ҳаракат қилишимизки, то ёшларимиз армияда хизмат қилишга астойдил ин-тилсин, бунинг учун катта шараф деб билсин. Бунинг учун мамлакатимизда кейин-ги пайтда қўриқ иш қилинди. Бугун армия ва унинг резер-вида хизмат қилиш тўғриси-даги янги қонунларни барча фуқароларга етказиш, аҳоли ўртасида мазкур соҳада бўлаётган жиддий ўзгариш-ларни кенг тушунтириш му-ҳимдир. Ушбу масала бўйича «Ан-дихоннома» ва «Андижанская правда» газеталари бош му-ҳаррири Н.Саидов, Қумқўрган тумани ҳокими Н.Чориев ҳам ўз фикрларини билдирди. Олий Мажлис «Ўзбекистон Республикаси Куролли Куч-лари резервидаги хизмат тўғрисида»ги Қонунни ва уни амалга жорий қилиш тўғри-сида қарор қабул қилди. Олий Мажлисининг Қонун-чилик ва суд-ҳуқук масала-лари кўмитаси раиси Н.Исмои-ловнинг маърузаси бўйича сессия «Ўзбекистон Респуб-ликаси Президенти фаолият-тининг асосий қафолатлари тўғрисида»ги Қонунни ва уни амалга жорий қилиш тўғри-сида қарор қабул қилди.

Олий Мажлисининг Ижти-моий масалалар ва бандлик кўмитаси раиси М.Сафаева парламент кўмиталири ва ко-миссиялари номидан «Ўзбе-кистон Республикасининг ай-



риб қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини сессияда қўриб чиқиш учун тақдим этди. Де-путатлар ушбу ҳужжатни қабул қилди. Мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг такли-фиға биноан депутатлар Ф.Мухитдиновани Ўзбеки-стон Республикаси Олий суди раиси этиб сайлади ва уни Олий Мажлис раиси ўринбосари лавозимидан озод этди. Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Ф.Мухитдинованинг таклифиға мувофиқ Олий суд таркибига ўзгаришлар киритди. Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси-нинг ўринбосари Б.Мир-бобоевни янги муддатга сайлади.

Шунингдек, сессия Ўзбе-кистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раисининг би-ринчи ўринбосари Н.Ахмо-новни янги муддатга сай-лади ва Олий ҳўжалик суди таркибига бошқа ўзгариш-лар киритди. Иккинчи чақириб Ўзбе-кистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессияси ўзини якунла-ди. Ўзбекистон Республикаси



Мазкур орден 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ таъсис этилган.

Олий Мажлисининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Респуб-ликаси Президенти Ислам Каримовни Амир Тему-р ордени билан муқофотла-ш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ «Юртбошимиз» Ўзбе-кистон давлат қурилишида-ги ва жаҳон ҳамжамиятида миллат обрўсини кўтариш-даги, фуқаролар оқолишти-лашга иштироки билан, шунингдек, Ўзбекистон Респуб-ликаси маъмурий-худудий бирликлари ҳам муқо-фотланади. 1996 йилда Самарқанд шаҳри жаҳон илму фани, маданияти ва санъати ри-вожига қўшган катта ҳис-саси, шаҳар аҳолининг кўп асрлик маънавий мероси-ни асраб-авайлаб кела-ётгани ва мустақил Ўзбе-кистон шон-шавкатини оширишдаги ғоят катта хизматлари учун Амир Тему-р ордени билан тақдир-лангани бунинг яққол ми-солидир.

Худди ўша йили Амир Мирзо, Ҳў шарҳловчиси.

Ҳудди ўша йили Амир Мирзо, Ҳў шарҳловчиси.



нинг Бюджет, банк ва мо-лия масалалари кўмитаси раиси ўринбосари Р.Каримов тақдим қилди. Мазкур ҳужжат муҳо-камасида Тошкент молия институти ректори М.Шари-фхўжаев, парламентнинг Саноат, қурилиш, транс-порт ва алоқа масалалари кўмитаси раисининг ўри-нбосари С.Солиев, Фуқаро-ларнинг банклардаги омо-натларини кафолатлаш фонди директори Ҳ.Нигма-тов, Қўрғонтепа туманида-ги «Оқсув» фермер ҳўжали-ги раҳбари А.Аҳмедов, Мингбулоқ тумани ҳокими Б.Хайдаров қатнашди. Пар-ламент қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқулла-ди ва умумхалқ муҳокамаси учун оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш

органлари кўмитаси раисининг ўринбосари Й.Жўраев-нинг маърузаси бўйича де-путатлар «Жамоат фондлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳа-сини муҳокама қилди. Бу ҳужжат ҳақида Бобур номидаги халқаро жамғарма раиси З.Машрабов, Олий Мажлисининг Ван, таълим, маданият ва спорт масала-лари кўмитаси раисининг ўринбосари О.Мусурмонова, «Шаҳрисабзонсерва» ишлаб чиқариш акционерлик жами-яти раиси Н.Исмоилов, Ўзбе-кистон Товар ишлаб чиқарув-чилар ва тадбиркорлар па-латаси раиси М.Собиров, Амударё тумани ҳокими Р.Йўлдошев ўз фикрларини билдирди. «Жамоат фондлари тўғри-сида»ги Қонун лойиҳаси му-ҳокамаси чоғида давлатимиз



Нукус ўзининг 70 йиллик тўйига кизгин ҳозирлик кўрмоқда. Нукус шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Турганбой БОЛТАЕВ Уза мўхбирига бу ҳақда қуйидагиларни гапириб берди:

НУКУС ШОДИЁНА АРАФАСИДА

Халқимизда тўйнинг ўзидан ҳам бўлди-бўлдиси қизик, деган гап бор. Бунинг маънисини бутун диққат-эътибор тўйга тайёргарликка қаратилганида бўлса керак. Шаҳримиз тўйига Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2002 йил 8 майдаги қарорига мувофиқ катта тарafdуд қўрилмоқда. Қарорда белгиланган тадбирлар, қурилиш ва таъмирлаш ишлари бекаму кўст бажарилади.

Шаҳримиз дарвозаси - Нукус аэропорти замонавий андозага мос қайта таъмирланди. Бу ерда бир миллиондан 190 миллион 500 миғг сўмлик иш бажарилиб, йўлов-чилар учун катта қулайликлар яратилди. Санъат му-зейи, Бердақ номидаги театр, 1-сонли республика ка-салхонаси қайта таъмирдан чиқарилди, йигирма хона-донли иккита ва ўттиз икки хонадонли битта кўп қаватли уйлар эгаларига топширилди.

Шаҳримиздаги Халқлар дўстлиги, Ажиниёв ва Муста-қиллик майдонлари, Наврўз Жапақов ва Пиржон Сейи-тов номидаги хизматлари таъмирланиб, аҳоли ором ола-диган гўзал масканга айлантирилди. Халқлар дўстлиги майдонидаги эски уйлар бузилиб, майдон сатҳи кенгай-тирилди. Фаввора қайта таъмирланди. Гулзорлар барпо қилинди. Шаҳарни янада яшил либосга бурқаш учун бу йил баҳорда 52 миғг туп меваги ва манзарали даракт кўчат-лари ўтказиди. Ариқ- зовурлар тазоаланиб, сув йўллари яхшиланди. Йўл чеккаларига бетон тўсиқлар ўрнатилиб, асфальт ётқизилди.

Шаҳарда қурилиш ишлари жадал олиб боришмоқда. «Ботаника» боғи ичида олти ўз ўқувчиға мўлжалланган замонавий Олимпиада захиралари коллежи қурилиши бошлаб юборилди. Шунингдек, «Турон» ўйингоҳи база-сида 120 ўринли спорт мактаб-интернати қурилмоқда.

Шаҳар кўри бозор, дейди халқимиз. Мавжуд бозор-ларнинг аҳолини яхшилаш, сотувчи ва харидорларга шарт-шароит яратиш бериш борасида ҳам бир мўнча ишлар амалга оширилди. Яқинда фойдаланишга топши-рилган «Ойдин йўли» бозори гавжум масканга айланди. Хуллас, бошлаган улкан ишларимизнинг барчаси якун-ланди. Нукус қиёфаси таниб бўлмас даражада кўркам-лашди. Бутун Нукус аҳоли шодиёна кунарни интизорлик билан кутмоқда.

Аминбой ОРТИҚБОВ, Уза мўхбири.

ХАЛҚ ВА АРМИЯ АЖРАЛМАС

Куролли Кучлар сафиға баҳорги чақирқиннинг би-ринчи кунидан мустақил Ўзбекистон армиясининг харбий қурилишиға мўтлақ анчиға ёндашув ва талаб-лар татбиқ этила бошлади. Улар иккинчи чақирқин Ўзбе-кистон Республикаси Олий Мажлисининг Х сессияси-да қабул қилинган «Умумий харбий мажбурият ва хар-бий хизмат тўғрисида»ги Қонунда ўз ифодасини топ-ди. Жамоатчилик, чақирқин ёндашувлари ва уларнинг ота-оналари эътибори хар-бий хизматнинг янги тури-сафарбар чақирқин резерви-даги харбий хизматга қара-тилди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги чақирқин ва резервдагиларни тайёр-лаш бошқармасидан хабар беришлариға, харбий хиз-матнинг бу турида харбий қурилишининг халқ ва армия-нинг бир бутун эканлиги ҳақидаги энг мўхим тамойил сўзда эмас, ҳақиқатан амал-да рўйбга чикади, давлат, харбий бошқарув органла-рининг хар бир фуқаро бил-ан аввалдиган бутунлай фарқли мўносабатлари амалга оширилди.

Мустақил Ўзбекистон Конституциясида умумий харбий мажбурият белги-лаб қўйилган. Унда давла-тимизнинг хар бир фуқаро-сининг Ватанимиз муста-қиллиги, худудий яхлитли-гини химоялаш бўйича ўз бурчини ўташи зарурлиги кўзда тутилди. Бирок дав-латимизнинг тинчликпарвар сийсати ва сон жиҳатдан иччам, юқори профессио-нал Куролли Кучларни таш-

қил этишни кўзда тутувчи харбий ислухотнинг амалга оширилиши туфайли бугунги кунда хар бир ўсимрни му-ддатли харбий хизматга чақир-тиш зарурати йўқ. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Иккинчи ча-қирқин Ўзбекистон Респуб-ликаси Олий Мажлисининг IX сессиясидаги нутқида мам-лакатимиз Куролли Кучлари-нинг ислухот қилиш билан бо-ғлиқ масалаларга тўхталиб: «Мамлакатимиз сарҳадлари-нинг дахлсизлиги ва худудий яхлитлигини сақлаш, аёл-тур-тимизнинг осуда ҳаётини ишончли химоя қилишға қодир, замонавий қурол-ас-лаҳ ва техника билан таъ-минланган, яхши тайёрланган ва бугунги кун талаблариға тўлиқ жавоб берадиган, сон жиҳатдан иччам ва харакат-чан Куролли Кучларни вужуд-га келтириш - Ўзбекистони-мизнинг буюк келажагини барпо этиш йўлидаги энг мў-хим вазифалардан бири», эканини алоҳида таъкидлади.

Армия сонининг қисқарти-рилиши Куролли Кучларда хизмат муддатини нафақат бир йилга тушириш, балки бўшаётган молиявий ва мод-дий маблағларни қўшиларини тайёрлаш сифатини яхши-лаш, харбий хизматчилар-нинг турмуш даражасини оширишға сарфлаш имкони-ни беради.

Лекин ҳозирги нотинч дунёда вазият кескин ўзга-риши мўмкин. Куролли Куч-ларимизни ташкил этиш таж-рибаси шуни кўрсатдики, ёш давлатимизнинг кўллаб-қўйилган иттифоқчилари, улар томонидан қарор қабул қилинишида субъективизмға йўл қўймаслиқ, уларнинг иш

«ФАРҒОНА-2003» МЕҲМОНЛАРИНИ КУТМОҚДА

Ўзбекистон ва НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастуриға биноан Фарғонада ўтказилажак «Фарғона-2003» хал-қаро ўқув машғулотларига тайёргарлик ишлари ниҳоясиға етди. Аввал хабар берилганидек, ўқув машғулотларида олти давлатдан 120 дан ортиқ кўтарувчи ва ўн давлатдан кўз-таувчилар қатнашиши кўтилимоқда. Айни кунда вилоятда халқаро тадбирни юқори савияда ўтказиш билан боғлиқ зарурий ишлар амалга оширилди. Фарғона шаҳридаги «Зиёрат», «Шарқ», «Осий» ва «777» меҳмонхоналари илк бор хоржий меҳмонларни қабул қилади. Ўқув машғулотлари вилоятнинг Воғдиқ қишлоғида ўтказилади. 150 нафар малакали тиббиёт ходимини ўзига бирик-тирган қирқта тез ёрдам гуруҳи меҳмонлар хизматида бўлади. Хоржийларға таржимонлик қилиш вазифасини Фарғона давлат университетининг иктидорли талабалари ўз зиммаларига олди. Мутахассислар фикриға, зилзила, сёл, сув тошқини каби ва бошқа фавуқуллода вазиятлар, табиий катаклизм-ларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида тўпналган тажрибаларни амалиётда қўллаш, билим ва кўникмаларни такомиллаштиришға хизмат қиладиган маз-кур ўқув машғулотлари давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳам-корлик ришталарини янада мустаҳкамлайди. Дастур давомида турли қўнғилочлар тадбирлар уюшти-риш ҳам режалаштирилган. Халқаро ўқув машқулотларини тантанали очилиш маросими Фарғона туманидаги Ёшлар-обод ўйингоҳида бўлиб ўтади.

ФЕРМЕР, БАНК ВА КРЕДИТ

Ўтган йил бошида Қоровул-бозор туманидаги «Аҳад Сало-м» фермер ҳўжалиги раҳ-бари Алижон Саломов маблаг масаласида қийналиб қолди. Муаммони ҳал этиш учун ёр-дам сўраб «Ўзимиллийбанк»-нинг туман бўлимиға мурожа-ат этиди. Банк кўп ўтмай, Алижонға бир ярим миллион сўмлик им-тиёзлик кредит ажратди. Ўз наватидан фермер ҳам қар-зини муддатидан олдин узди ва банкнинг ишончли мижоз-ларидан бириға айланди.

Маълум муддат ўтган, фер-мерда қорвақиллиқни ривож-лантириш иштиёқи туғилди. У яна шу банка борди. Бу са-фар фермер уч миллион сўмлик кредит олди, зотдор қорамоллардан сотиб олди. Вазирилар Маҳкамасининг «Давлат ахтиёжлари учун хар-рид қилинадиган қишлоқ ҳўжалиги махсۇлотлари этиш-тиришни маблағ билан таъ-мирлаш механизмининг тамо-милаштириш чора-тадбирла-ри тўғрисида»ги қарорига му-вофиқ банк бўлими пахта хо-маси ва гўлла этиштирувчи фермерларға йиллик беш фоиз хисобидан имтиёзлик кредит ажратди. Шу хисоб-дан «Аҳад Салом» фермер ҳўжалигиға ҳам 8 миллион 234 миғг сўм маблаг расмийла-штирилди. Энди у ҳеч қийнал-

Илхом САҒАФАР, Уза мўхбири.

(Давоми 3-бетда)

Фахр

ЎЗИМИЗНИНГ РАНГЛИ ТЕЛЕВИЗОРЛАР
Экспорт қилинмоқда

Истиқлол шарофати туфайли мамлакатимизда улкан ўзгаришлар рўй бермоқда. Эндиликда ўзимизда ишлаб чиқарилаётган нисбатан арзон, сифатли маҳсулотлар экспорт қилинмоқда. Мақсадга эришишда кўшма корхоналарнинг алоҳида ўрни бор. Биламизки, Вазирлар Маҳкамасининг «2003-2004 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қарори корхоналарни тўлиқ хусусийлаштириш ва хорижий инвесторларни жалб этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «MECS — TCA» кўшма корхонаси рангли телевизорлар ишлаб чиқара бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ. Унга «Зенит» ОТХЖ Ўзбекистон томонидан муассис бўлиб, Англиянинг «MECS-COMOLITS» фирмаси билан ҳамкорликда иш бошлаган корхонанинг устав фондидаги сармояси 150 минг АҚШ долларини ташкил этади.

Кичик корхона тўлиқ хусусийлаштирилган бўлиб, бу ерда ишлаб чиқарилаётган рангли телевизорлар Россия, Қозоғистон, Қирғизистон каби мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Эндиликда барчага манзур бўлаётган «зангори экран»лар республикамиз аҳлига ҳам етказиб берилди. Маълумот ўрнида шунини айтиш жоизки, рангли телевизорларнинг эҳтиёт

қисмлари асосан четдан келтирилиб, шу ерда йиғилади. Кинескоплар Япониянинг «Хитачи» фирмасида, ички микросхемалар эса Гонконг

Қисқа вақт ичида маҳаллий кадрларимиз нозик касб сирларини пухта ўзлаштириб олдилар. Масалан, ишни



дир линияси очилмоқда, дейди тижорат ишлари бўйича директор Абдубанно Турғунов. — Ушбу кредит ҳисобидан телевизорларнинг устки қопламасини ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз. Бу эса маҳсулотларимизнинг янада арзонлашувиغا олиб келади.

Айни кунларда Тони Висбург бошчилигидаги англиялик ишбилармонлар гуруҳи корхонада бўлиб, янги технологияларни келтириш, ўрнатиш ва маҳсулот сотиш режаларини ишлаб чиқмоқда.

сифатли бажариш, тайёр телевизорларни текширувдан ўтказишда Денис Шербаков ҳамкасбларига намуна. Ишчи-хизматчиларнинг унумли ишлаши, кўнгилли дам олиши учун шароит муҳайё этилган. Корхона раҳбарларининг таъкидлашча, келгуси режалар янада улғуй.

— «Асакабанк»дан кре-

дит линияси очилмоқда, дейди тижорат ишлари бўйича директор Абдубанно Турғунов. — Ушбу кредит ҳисобидан телевизорларнинг устки қопламасини ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз. Бу эса маҳсулотларимизнинг янада арзонлашувиغا олиб келади.

А. ЮНУСОВ,
«Ишонч» мухбири.
Суратларда: корхона ҳаётидан лавҳалар.
Ш. САРИЕВ олган суратлар.

Гулистонлик Баходир Бобоҷонов шарқ миниатюраси йўналишининг моҳир устаси ҳисобланади. Унинг ижод маҳсуллари маҳаллий ва хорижий мухлислар томонидан юксак баҳоланмоқда.

КАСБНИНГ
УСТАСИ

Мусаввирнинг ишлари «Усто» бирлашмаси, Амир Темуру ва амалий санъат музейларида ҳамда АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Туркия давлатларидаги санъат ихлосмандларининг шахсий коллекцияларида сақланмоқда.

Шарқ миниатюраси кўпгина санъатсеварларни ўзига ром қилади, — деди уста «Туркистон-пресс» мухбирига. — Миниатюра мусаввирдан сабрли бўлишни ва тарихимизни яхши билишни талаб қилади. Мен асосан Навоий, Бобур, Нодирбеғим ва Увайсий каби мумтоз шоирларнинг шеър ва ғазалларига миниатюралар чизаман. Унда шоирларнинг ички кечинмалари ва ўша давр руҳи акс этади. Мусаввир ғазалларда битилган воқеаларни ҳаёт дунёсига келтириб, ўша давр руҳини бера олсагина, чизган асарини жонли қилади.

Уста айни пайтда Гулистондаги «Истеод» нафис санъат ижодий марказида иқтидорли ёшларга касби сирларини ўргатиб келмоқда.

«Туркистон-пресс».

ДЕПАРТАМЕНТ ТУЗИЛДИ

Анджондаги «Ҳамкорбанк» акциядорлик тижорат банкида ходимлар билан ишлаш бўйича департамент тузилди. 2002 йилда банкнинг ўттиздан зиёд ходимлари қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида таълим олган бўлса, янги департамент иш бошлаганиги туфайли жорий йилда бу рақам қарийб икки баравар кўпаяди.

Айни пайтда банк марказий идо-

раси ва унинг бўлимларида 673 нафардан зиёд киши ишламоқда. Департамент мутахассисларнинг фикрича, «Ҳамкорбанк»нинг молиявий аҳоли кўп жиҳатдан уларнинг маҳоратига боғлиқ. Шу боис турли лавозим номзодлари учун махсус тестлар ишлаб чиқарилган. Бундан ташқари банк мутахассислари ва раҳбарлари водийдаги олий ўқув юртларининг битирув

имтиҳонларида иштирок этиб, ўзларига маълум номзодларни саралаб олишди.

Айни пайтда республикада банкнинг 32 филиали ва 36 мини банки фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилда «Ҳамкорбанк» Қувасой, Самарқанд, Термиз, Қарши шаҳарларида ўз бўлимларини очилишни мўлжалламоқда.

«Туркистон-пресс».

Китоб туманидаги «Бекас» ишлаб чиқариш корхонаси фаолият бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамадан у ўз хариддорларини топди. Мактаб ўқувчилари учун сумка ва болалар курткасининг дўконларида туриб қолмаётгани ҳам буни тасдиқлайди.

Тикувчилик фабрикасида ишлаб юрган кезларим атлас ва бекас сумка тўқини йўлга қўйганим, дейди корхона раҳбари Сайёра Сатторова. — Шоғирдларим ҳам қўли гул мутахассислар бўлиб етишди.

Тиниб-тинчимас опадан бугун эл-юрт мамнун. Ҳар ҳолда анча вақтдан буён тўхтаб қолган халқ истеъмоли моллари фабрикасининг ишламай турган биноси ижарага олиниб, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган, кўплаб иш ўринлари яратилди. Айни пайтда 20 нафар хотин-қиз қўли-қўлига тегмай меҳнат қилмоқда.

Дарвоқе, Халқ таълими вазирлиги томонидан эълон қилинган тендерда Сайёра Сатторова томонидан тайёрланаётган маҳсулотнинг голиб деб топилгани ҳам бежиз эмас. Хусусан, янги ўқув йили олдиндан Президент, совғалари сифатида мактабларнинг биринчи синф ўқувчиларига берилётган сумкаларда опа қўлининг сайқали мавжуд.

Кам таъминланган оила фарзандлари учун тикилаётган чиройли, бежирим курткалар хорижникидан қолишмайди. Янги ўқув йи-



ХОРИЖНИКИДАН ҚОЛИШМАЙДИ

лигача 6 минг донга ана шундай куртка ва ўқувчилар сумкаси ишлаб чиқариш мўлжалланган. Бундан ташқари келгусида болалар учун спорт кийимлари тикиш ҳам кўзда тутилмоқда.

Мархабо Саидова, Дилноза Юнусова, Лобар Назарова, Саломат Аҳмедова, Маъмура Саидова сингари қўли гул чеварлар ҳамкасбларига ўрناк бўлишмоқда.

Бу ерда иш конвейер усулида ташкил этилган. Ким матодан андоза олган, ким қисмларга бўлинган андозаларни хиллаган, ким уни тикиб, тайёр маҳсулот ҳолига келтирган. Бир кунда ҳар бир чевар 10-15 донга сумка тикипти, бошқача айтганда корхонада ўртача 800 минг сумлик маҳсулот ишлаб чиқарилаётир. Айниқса, болалар

курткасини кўриб кўзингиз қувнади. Бежирим ва замонавий дизайн талабларига тўла мос келади. Ҳар қандай об-ҳаво шароити

да кийиб юриш мумкин. Мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга қаратилган саяёҳаракатлар ўз натижасини

бераётганлиги қувонарли. Бироқ тадбиркорлар ишини янада яхшилаш, уларга қўлай шароит яратиш керак. Шу куннинг кечикириб

бўлмайдиган вазифаларидан бири. Келгусида бу ишни яна ҳам ривожлантириш учун кенг имкон керак. Ҳўш, бундай имкон «Бе-

кас» ишлаб чиқариш корхонасида мавжудми? Икки қаватли бинода фаолият кўрсатаётган чеварлар учун ҳали кўпгина қўлайликлар яратиш лозимлиги кўриниб турибди. Тикувчиларнинг бемалол ишлашлари учун хоналар етишмайди.

Биз корхона фаолият билан танишиш жараёнида шу нарсага амин бўлдикки, Сайёра опага ўхшаган ишбилармон ва тадбиркорлар қўллаб-қувватлаб турилса, яна ҳам кўркам ва бежирим маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконияти ортиб бораверади. Ахир, ўзимизникига нима етсин!

Шавкат СУЛТОН,
«Ишонч» мухбири.
Суратларда: «Бекас» ишлаб чиқариш корхона фаолиятдан лавҳалар.

Бандлик дастури амалда

ИШ ЎРИНЛАРИ

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ҳисобига

Агроекономика тизимида олиб борилаётган ислохотлар муносабати билан қишлоқларда ўзига хос муаммолар юзга келмоқда. Асосий ишлаб чиқариш тармоғи пахтачилик ва галлачилик бўлган қишлоқ туманларида саноат тармоғи кам тараққий этганлиги сабабли одамларни иш билан таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил этиш масаласида айрим қийинчиликлар бор.

Бўка тумани меҳнат ва аҳоли иш билан таъминлаш бўлимида ҳам бу борада олдиндан ишлаб чиқарилган тадбирлар асосида иш олиб борилмоқда. Унга кўра жорий ва кейинги йилларда 2829 та янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилмоқда. Ҳозир фаолият кўрсатаётган ва янгидан ташкил этилаётган деҳқон-фермер хўжаликларида 1829 нафар қишлоқ ёшлари иш билан таъминланадилар.

Туманининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурида кичик ва ўрта бизнес тармоғини кенгайтиришга жиддий эътибор қаратилаётганлиги янги иш ўринлари релашлаштириш имконини яратди.

Келгусида 1421 нафар ёшлар ана шу тармоқда ижтимоий фойдали меҳнат билан шугулланиш имконига эга бўладилар.

Обод маҳалла йили муносабати билан бўлимнинг маҳаллалар орқали аҳоли билан янада яқинлашди. Бу борада ҳам дастур ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра тумандаги 8 та қишлоқ фуқаролар йиғинлари, 36 та маҳалла билан олиб бориладиган амалий ишлар аниқ режалаштирилган. Меҳнат бўлими ходимлари маҳалла идораларида, аҳоли гавжум жойларда бўлиб, суҳбатлар ўтказмоқдалар. Уларнинг муаммолари, фикр-мулоҳазалари ўрганилмоқда. Шу асосда йилнинг дастлабки уч ойида рўйхатга олинган 101 нафар ёшлардан 71 нафари ишга жойлаштирилди. Келгусида мактабларни тугатаётган ёшлар, олий ўқув юрлари дипломли ёш мутахассислар, ҳарбий хизматдан қайтадан иш билан озодликдан маҳрум этиш масканларидан қайтаётган кишиларни иш билан таъминлаш, уларни қайта ўқитишга

йўллаш масалалари ҳал этилиши лозим.

Бугунги кунда жамоа ва ширкат хўжаликларини деҳқон-фермер хўжаликларига айлантириш сиёсати олиб борилмоқда. Меҳнат бўлимига мурожаат этган, иш қидирувчи сифатида рўйхатга олинаётган кишилар асосан ана шу тармоққа йўналтирилади. Шунинг билан олиб борилган ҳолда бўлимда бажарилаётган ишлар, дастурлар янгиланиш жараёнининг қандай амалга оширилаётганлиги билан боғлиқ равишда олиб борилмоқда.

— Ўтган 2002 йилда ҳам, — дейди бўлим бошлиғи Гавҳар Шалабоева, — ходимларимиз томонидан анчагина ишлар амалга оширилди. — Жумладан, 1484 нафар киши йўлланма билан меҳнат қилиш, оиласининг моддий аҳолини яхшилашга ҳисса қўшиш имкониятига эга бўлди. Янги касб-хунар эгаси бўлишни хоҳловчилардан 30 нафарини қайта ўқитишга йўллади.

Темур ХАЙДАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

Томди туманида уч юз минг бошдан зиёд қўй-эчки, туя ва йилқи боқилади. Олис яйловларда меҳнат қилаётган чўпонлар хонадонини табиий жундан тайёрланган кигизсиз тасаввур этиш қийин.

Тумандаги «Оёққудук» қорақўлчилик ширкат хўжалиги раҳбари Малик Сиддиқов чўпонлар муаммосини ҳал этди. Хўжаликда кигиз тўқув корхонаси иш бошланди. Бу ерда турли бичимдаги сифатли ва арзон кигизлар тайёрланмоқда.

Шунингдек, корхонада туя жунидан пўстин, гулли тикилмоқда. Қўй жуни ва

ЧўПОНЛАР МУАММОСИ
ҲАЛ ЭТИЛДИ

терисидан тайёрланаётган жакет, пўстин, шуба, телпак, пайпоқ, белбоғ каби буюмлар ҳам харидорғир. Бу ерда йигирмадан ортиқ қиз-жувон меҳнат қилмоқда. Қисқа вақт ичида бир миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган корхонага турли буюртмалар туша бош-

(ЎЗА).

Тошкентда экология муаммоларига бағишланган семинар тренинг ўтказилди. Унда республика Табиати муҳофазат қилиш давлат қўмитаси ва ЮСАИД томонидан молиялаштирилган Марказий Осиёда табиий захираларни бошқаришни тақомиллаштиришга бўйича дастур мутахассислари, ЕХТнинг Тошкентдаги маркази вакиллари, шунингдек журналистлар иштирок этди.

ЭКОЛОГИЯ ВА ОАВ

Атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида кўплаб муҳим масалалари борки, буларни ҳал этиш жамоатчилик ўртасида ҳар томонлама тушунириш иш-

экологик аҳволни чуқур кўриб чиқишлари имкон беради.

С.Самойлов табиатдан фойдаланишга таъсир этувчи иқтисодий омилларни қайд этиб ўтди. Айни пайтда профилактика ишларини молиялаштиришга кескин зарурат мавжуд. Бу эса Орел денгизига ўхшаш экологик ҳалокатларнинг олдини олади. Шунингдек табиий ресурсларни тозалаш бўйича технологияларни жорий этиш ўрни бор. Мазкур семинар журналистларнинг республика ва дунёдаги

экологик аҳволни чуқур кўриб чиқишлари имкон беради.

С.Самойлов табиатдан фойдаланишга таъсир этувчи иқтисодий омилларни қайд этиб ўтди. Айни пайтда профилактика ишларини молиялаштиришга кескин зарурат мавжуд. Бу эса Орел денгизига ўхшаш экологик ҳалокатларнинг олдини олади. Шунингдек табиий ресурсларни тозалаш бўйича технологияларни жорий этиш ўрни бор. Мазкур семинар журналистларнинг республика ва дунёдаги

Семинарда табиий муҳитни 2002 йилда ифлослани-

ши тўғрисида маълумотлар келтирилди. Атмосфера ифлосланишининг юқори даражаси Тошкент ва Наманган шаҳарларида қайд этилган. Республикада оқар сувлар сифати мониторинги Тошкентдаги «Салар» каналида нитрит азотининг меъёридан 7,8 марта кўпчилиги кўрсатди. Чирчиқ дарёси ҳавасида вазият бироз яхши.

Фарғона вилоятида тупроқнинг саноат захарлари билан ифлосланиши меъёрдан 2,9 марта, Андижонда 2 ва Тошкент вилоятида 1,6 марта юқори.

Семинарда шунингдек, Марказий Осиё минтақаларида радиоактив ҳавф, Ўзбекистонда иқлимнинг ўзгариши, табиатни муҳофазат қилиш конунчилигининг бажарилиши сув захираларидан самарали фойдаланиш масалалари муҳокама этилди.

«Туркистон-пресс».

Истиқлол берган имкон



Биз корхона фаолият билан танишиш жараёнида шу нарсага амин бўлдикки, Сайёра опага ўхшаган ишбилармон ва тадбиркорлар қўллаб-қувватлаб турилса, яна ҳам кўркам ва бежирим маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконияти ортиб бораверади. Ахир, ўзимизникига нима етсин!



Кейинги йилларда Наманган вилояти Наманган туманида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, кўплаб замонавий, кўркем спорт иншоотлари бунёд этилмоқда. Яқинда фойдаланишга топширилган Тошбулоқдаги ёпиқ теннис корти ана шулар жумласидан. Туман автотомобил йўллари бошқармаси пудратчилари томонидан барпо қилинган теннис мажмуаси қурилишига жами 120 миллион сўм маблағ сарфланди. Ёшларнинг бўш вақтини мароқли ўтказиш учун масканда барча шароитлар мавжуд. Хусусан, 1 та ёпиқ зал, сауна, бассейн, дам олиш ва тиббий хоналари мунтазам ишлаб турибди.



Тармоқ касабга уюшма қўмиталарида

Юртбошимиз кишлоқ хўжалигини юксалтиришда янги технология, замонавий агротехникани қўллаш, деҳқончилик маданиятини ошириш, ишни ташкил этишдаги омилкорлик ва фидойиликни ўзда мужассам этган, ўзгалар учун намуна бўлишга арзийдиган Андижон деҳқончилик мактабининг самараси ва илғор тажрибаларига юксак баҳо берган эдилар.

ЯНГИ 17 ТА БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ

Чунки чигитни плёнка остига экиш орқали эртанги мўл ва сифатли ҳосил етиштиришни таъминлайдиган Андижон технологияси ўз афзаллигини амалда исботлади. Вилоятда бултўр ҳар гектар майдондан 75 центнердан дон, 320 минг тоннадан ортиқ пахта етиштирилди. Моддий ва маънавий рағбат тўғри йўлга қўйилганлиги, жамоаларда интизом ва уюшқоқлик мустаҳкамланганлиги, қўлай иш ва дам олиш шароитлари яратилганлиги ижобий натижа беряпти.

Меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги бўйича жамоат назоратини олиб бориш соҳасида Олтинқул, Марҳамат туманлари, меҳнатқиллар ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашда Бақиқчи, бошланғич ташкилотлар билан ишлаш борасида Андижон, фуқароларнинг ариза ва шикоятлари, билдирган танқидий фикрлари ижроси борасида Бақиқчи, Улуғнор, Қўрғонтепа, меҳнат ахлини моддий рағбатлантиришда Шаҳрихон, Бўз туманлари тармоқ касабга уюшма қўмиталари фаолияти ўрганилди, мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди.

Агротехнология ва маҳсулотлар қўмитаси жамоа шартномалари орқали ҳодимлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш, турмуш даражасини ошириш, уларга тиббий ва маданий хизмат кўрсатишни яхшилаш, соғлом ва хавфсиз ҳаёт шартини яратиш масалаларига жиддий эътибор бермоқда.

519 та корхонада пенсионерларга 45,6 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Нафақахўрларнинг уй-жойларини таъмирлашга 2 миллион сўм маблағ ажратилди. Юз нафардан ортиқ қарияларга сичатгоҳларда давонлихон иш йўллари берилди.

Кўмида тасарруфиди 519 та бошланғич касабга уюшма ташкилот бўлиб, аёзолар сони 306 минг нафардан ошиб кетди. Янгидан тузилган қўшма корхоналар ва деҳқон-фермер хўжалиқлари ҳисобига 17 та бошланғич ташкилот ташкил топди. Натижада касабга уюшма аёзолари сони 2267 нафарга қўйилди.

Айни пайтда Андижон автотранспорт корхонаси, Қўрғонтепа, Хўжабод, Бўз машина-трактор парклари, Асака ёғочни қайта ишлаш, Шаҳрихонпайла, Олтинқул пули ва дивидентларни вақтида олишяпти. Ўтган давр ичида ноғиронлар, ёлғиз қариялар, кам даромадли оилаларга 5 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Жамоа шартномалари ва келишувлари меҳнатқилларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ифодаловчи қонуний

Иzzат ХИКМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

ХАЛҚ ВА АРМИЯ АЖРАЛМАС

(Боши 1-бетда). Белгиланган тартибда пул бадалини тўлаган фуқаролар СЧРда йигирма етти ёшига қолади, бунда улар муддатли ҳарбий хизматга қақриқдан озод қилинади. СЧРда хизматни ўтаганлар 27 ёшга тўлган, Куролли Кучлар резерви сафига қўшилиди.

СЧРда хизматни ташкил этиш натижасида барча қақриқдагилар, ҳарбий хизматга қақриқилган ва бир йил хизмат қилганлар учун ҳам, унга бормаган, аммо СЧРда хизматни ўтаганлар учун ҳам умумий ҳарбий мажбуриятни ўташда тенг шароит яратилди. Чунки қақриқдагиларни муддатли ҳарбий хизматни ўташ учун танлаб олиш тўғрисида ақриқдан ҳарбий хизматга қақриқилди.

СЧРда хизматни ташкил этиш натижасида барча қақриқдагилар, ҳарбий хизматга қақриқилган ва бир йил хизмат қилганлар учун ҳам, унга бормаган, аммо СЧРда хизматни ўтаганлар учун ҳам умумий ҳарбий мажбуриятни ўташда тенг шароит яратилди. Чунки қақриқдагиларни муддатли ҳарбий хизматни ўташ учун танлаб олиш тўғрисида ақриқдан ҳарбий хизматга қақриқилди.

СЧРда хизматни ташкил этиш натижасида барча қақриқдагилар, ҳарбий хизматга қақриқилган ва бир йил хизмат қилганлар учун ҳам, унга бормаган, аммо СЧРда хизматни ўтаганлар учун ҳам умумий ҳарбий мажбуриятни ўташда тенг шароит яратилди. Чунки қақриқдагиларни муддатли ҳарбий хизматни ўташ учун танлаб олиш тўғрисида ақриқдан ҳарбий хизматга қақриқилди.

Вилоят марказидаги Марказий савдо уйда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ярмаркаси очилди.

БАҲОР ЯРМАКАСИ

Унда «Ўзбекингилсаноат» давлат акционерлик компанияси, «Ўзбекчармпойабзал», «Ўзбек ипаги», «Маҳаллийсаноат» уюшмалари қарашли корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сотувга қўйилди.

Бир Фармон шарофати

Қарши дашти ерларида гипс қатлами қўп. Бундай типроқнинг физик, кимёвий ва микробиологик хоссаларини тўғдан яхшилаш экинлардан юқори ҳосил олиш имкониятини яратди.

ИЛҒОР ТАЖРИБА КЎПЧИЛИК МУЛКИ

Ўзбекистонда техника ёрдам кўрсатиш лойиҳаси асосида кенг қўламда ишлар олиб борилмақда. Кишлоқ хўжалик фанлари доктори Имом Раҳматовнинг ҳикоя қилишича, халқаро ташкилот томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш Миллий дастури билан чамбарчас боғланган бўлиб, гипсланган ва шўрхор майдонларда пахта, бугдой ҳосилдорлигини оширишни кўзда тутди.

МАҲСУЛОТЛАР КЎРГАЗМАСИ

«Ўзбекбирлашув» акциядорлик компаниясида кишлоқ хўжалик ва қайта ишланган маҳсулотларнинг халқаро ўлғурчи савдо ярмаркаси очилди.

Ярмарка республикада туртинчи мартаба ўтказилди, деди «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компанияси қишлоқ хўжалик бўлимининг мудир Мирқамол Мирсодиқов «Туркистон-пресс» мухбирига. Унда республика камизининг барча вилоятларидан вакиллар қатнашиб, ўзлари етиштирган қишлоқ хўжалик бўлимининг мудир Мирқамол Мирсодиқов «Туркистон-пресс» мухбирига. Унда республика камизининг барча вилоятларидан вакиллар қатнашиб, ўзлари етиштирган қишлоқ хўжалик бўлимининг мудир Мирқамол Мирсодиқов «Туркистон-пресс» мухбирига.

Саломатлиги ва ижтимоий аҳволига кўра ҳарбий хизматга лойиқ қақриқилувчилар Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари қисми ва бўлинмаларида хизматни ўташ учун танланадиган асосий мезонларга тўхталамиз.

Саломатлиги қақриқилувчининг тиббий қақриқдан ўтати натижаларига қараб белгиланади ва 1 балдан 10 баллгача бўлган микдорни ташкил этиши мумкин.

Саломатлиги қақриқилувчининг тиббий қақриқдан ўтати натижаларига қараб белгиланади ва 1 балдан 10 баллгача бўлган микдорни ташкил этиши мумкин.

Саломатлиги қақриқилувчининг тиббий қақриқдан ўтати натижаларига қараб белгиланади ва 1 балдан 10 баллгача бўлган микдорни ташкил этиши мумкин.

Т.Ботирбеков, ЎзА мухбири.

БИР МИЛЛИОНДАН ЗИЁД ГАЗ ЎЛЧАГИЧ

Ўзбекистон ва Хитой ҳукумати ўртасида кредит линияси очиб тўғрисида имзоланган шартномага мувофиқ, Хитойнинг «Машимпекс» компанияси мамлакатимизга умумий қиймати 12 миллион АҚШ доллари тенг 443 мингга газ ўлчағич қурилмасини етказиб берган эди. Ҳозир иккинчи кредит лойиҳаси амалга оширилмоқда. Унда «Машимпекс» компанияси қиймати 3,6 миллион АҚШ доллари тенг 139 минг 888 дона газ ўлчағич қурилмасини етказиб бериши белгиланган. «Ўзкоммунгаз» агентлигига қарашли «Бошқоммунгаз» корхонаси ҳозиргача 65 мингта шундай ўлчағич олди.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти билан амалдаги қонунларга риоя қилган ҳолда шугулланиб, ўзига ҳам, давлатга ҳам фойда келтирётган ишбилармонлар қўллаб-тўпилади. Бирок, гурӯҳ курмаксиз бўлмаганидек, ўрта ва кичик бизнес билан шугулланаётганлар орасида қонунга ҳилоф равишда иш тутиб, осонгина бойишни хоҳловчилар ҳам учраб турибди.

Ангор туманидаги «Имконият плюс» савдо-ишлаб чиқариш фирмаси бошлиғи Холтўра Игамбердиев уйлаб-ўйлаб спиртли ичимликлар билан савдо қилса тезда бойиб кетишини кўз олдига келтирдими, охири шу ишга қўл урди. Авваллига, бозорни қаққон бўлган арокнинг орқасини яхшигина даромад ҳам олди. Йигит кишига омад бир марта келади, деб уйлаган Холтўрабойнинг юриши-туриши ўзгарди. Ахир, ўзи хон, қўланкаси майдон. Лекин кўнларнинг бирида у 1 миллион 40 минг сўмлик савдо пулини назорат касса машинасида ўтказмасдан савдо қилаётганда қўлга тушди. Олиб борилган суриштириш ишларидан Х.Игамбердиевнинг дўконига яна 2 миллион 100 минг сўмлик хужжатсиз спиртли ичимликлар борлиги аниқланди. Бу спиртли ичимликлар далили ашё сифатида олинди. «Ойни бенарвон ура-

Қонун барчага баробар НАЗОРАТ КАССА МАШИНАСINI «УНУТГАНЛАР»

ман» деган Х.Игамбердиевга нисбатан Жиноят Кодексининг 189-моддаси 2-қисми билан жиноий иш қўзғатилиб, хужжатлар тергов ҳаракатлари олиб борилиши учун туман прокуратурасига юборилди. Х.Игамбердиев сингари спиртли ичимликлар сотиб, «бойвачча» бўлишни орозу қилган «ТН-Барака» савдо-ишлаб чиқариш корхонаси бошлиғи Янгибой Курбоновнинг ҳам «уйин-лаш ўтмади». Текширув натижасида инсофни унутган «тадбиркор» 3 миллион 220 минг сўмлик савдо пулини назорат касса машинасида ўтказмаганлиги, шунингдек, савдодан тушган 3 миллион 636 минг сўм нақд пулни банк муассасаларига топширмасдан бошқа мақсадларга ишлатиб юборганлиги маълум бўлди. Бу ноқонуний ҳаракатлар учун корхона 4 миллион 30 минг сўмлик жаримага тортилди. Янгибой Курбонов эса қилмишлари учун маъмурий идораларга қатнаб, ўзига-ўзи «Ана холос, пийши гилос» деб юрибди.

«Туркистон-пресс» таъминлайди.

Сафар НОБЎТАЕВ, Ангор туман прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими бошлиғи.

